

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 892 (536)
ББК:83.3
А –90

САЙДАЗИМОВА УМИДА ТЎРАХАНОВНА

“ХОН КИЛ ДОН ҲАҚИДА ҚИССА” – ЎРТА АСР КОРЕЙС НАСРИНИНГ
НАМУНАСИ

(типология, жанр хусусиятлари ва эпик мотивлар масаласи)

10.01.06 - Осиё ва Африка халқлари адабиёти

Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш
учун тақдим этилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2011

Иш Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Хорижий шарқ мамлакатлари адабиёти кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар:

санъат фанлари номзоди, доцент
Ким Виктория Никифоровна

Расмий оппонентлар:

филология фанлари доктори,
профессор
Ҳасанов Саидбек

филология фанлари номзоди, доцент
**Зиямухамедов Жасур
Тошпўлатович**

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Химоя Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги ДК 067.70.02 рақамли кенгашнинг _____ йил «____» _____ соат _____ да ўтадиган мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 7000047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 25- уй.

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат

йил «____» _____ да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби

филология фанлари
номзоди, доцент
Х.З.АЛИМОВА

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Юртимиз мустақилликка эришганидан сўнг Ўзбекистон Республикасининг ривожланган Шарқ мамлакатлари билан иқтисодий, ижтимоий, маданий, сиёсий ва илмий соҳалардаги алоқалари ривожланиб бормоқда, шу билан бирга, маданий алоқаларнинг кенгайиши учун имкониятлар яратилмоқда. Ўтган аср давомида шарқшунослар томонидан Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари адабиёти кенг ўрганилгани ҳолда, Жануби-шарқий Осиё ва Узоқ Шарқ мамлакатлари адабиётининг ўрганилиши нисбатан суст кечмоқда. Мустақиллик шароитида Япония, Корея, Хитой ва бошқа мамлакатлар адабиёти бўйича илмий тадқиқотлар кўламининг кенгайтирилиши шарқшунос-филологлар олдида турган долзарб масалалардан биридир. Шу ўринда Президент И.А.Каримовнинг куйидаги сўзларини келтириш жоиз: «...бошқа соҳалар қатори адабиёт соҳасида ҳам алоқаларни кучайтириш зарур. Мен бу борада Ғарб билан бирга Шарқ мамлакатлари, жумладан, Япония, Хитой, Жанубий Корея билан, Миср, Бирлашган Араб Амирликлари, Кувейт каби араб давлатлари билан алоқаларни кучайтиришни тавсия этган бўлардим»¹. Юртбошимизнинг бу сўзлари шарқшунос олимлар зиммасига жаҳон адабиётининг сара асарлари билан ўзбек китобхонини таништириш ҳамда мамлакатимиз олий ўқув юрларида таълим олаётган истеъдодли ўғил-қизларни мана шу машаққатли ишга жалб этиш, бу масаланинг ечими билан бевосита боғлиқ бўлган ташкилий-амалий вазифаларни ҳал қилиш масъулиятини юклайди.

Тошкент давлат шарқшунослик институтида сўнгги ўн йиллар мобайнида Шарқдаги тарихий-адабий жараённи яхлит, тизимли ўрганишга йўналтирилган қатор тадқиқотлар амалга оширилди. Хусусан, Шарқ халқлари адабиёти соҳасида олиб борилаётган тадқиқотлар “Шарқ халқлари адабиёти” фундаментал ишини яратиш мақсадида амалга оширилмоқда. Бу, ўз навбатида ўзбек тадқиқотчилари олдида қатор муҳим ва мураккаб вазифаларни қўймоқда.

Миллий адабиётларнинг ўзига хос типологик хусусиятларини ўрганиш, шунингдек, умуман шарқ халқлари адабиётига хос бўлган муштарак жиҳатларнинг ўрганилиши умумбашарий маданият тизимида Шарқ Ғарб муносабати сингари долзарб масалага ҳам таъсир кўрсатиши табиийдир. Шу маънода ўзбек шарқшуносларининг тадқиқотлари замонавий Шарқ насрий адабиёти ва янги роман жанри фақат Ғарб намуналари таъсирида юзага келди, деган анъанавий қарашлардан бирмунча фарқ қилади². Ўзбек шарқшунослари ўзларининг ишларида Ғарб таъсири ҳар доим ҳам муайян бир халқ адабиётининг миллий хусусиятини белгиловчи моҳият касб этмаслигини кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар³. Ана шу йўналишда корейс насри хусусиятларини ўрганиш, унинг шаклланиш ва таракқиёт омилларини аниқлаш ўзбек олимлари зиммасига ҳам муайян илмий вазифаларни юклайди. Ўрта аср корейс насрининг жанрлар таркиби ва бадиий хусусиятларини тадқиқ этиш ана шу маънода долзарб илмий муаммолардан биридир. Жумладан, корейс халқининг ўзбеклар “Алпомиш”и сингари севиб мутолаа қилинадиган ва адабий мерос сифатида ардоқланиб келинаётган “Хон Кил Дон ҳақида қисса” асарининг илмий-бадиий

¹ Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. - Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б. 33.

² Ибрагимов Н. Арабский средневековый книжный эпос. – Т.: Фан, 1994; Мухтаров Т.А., Саттиев А.И., Шамусаров Ш.Г. Очерки средневековой арабской прозы. - Т.: Фан, 1992.

³ Мухтаров Т. Арабская средневековая новелла. – Т.: Узбекистан, 2004; Шомусаров Ш. Араб-ўзбек фольклор алоқалари: (тарихий-қиссий таҳлил). – Т.: Фан, 2002; Зиямухамедов Ж. Ўрта аср новеллалари. –Т.:Х/Т “QUDRAT-PRINT”, 2010.

тахлил этилиши ўрта аср корейс адабиёти ҳақидаги кўпгина назарий муаммоларга оидинлик киритилишига олиб келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўрта асрлар корейс адабиёти Корея Республикасининг ўзида XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб тизимли равишда ўрганила бошланди. Хусусан, корейс адабиётшунослари Ко Жон Ок, Лю Чхан Сон тадқиқотларида корейс адабиётининг алоҳида жиҳатлари, яъни уни даврлаштириш ва жанрлар тизими хусусида сўз боради⁴. Аммо бугунги кунга келиб бу тадқиқотларга аниқлик киритилиши, уларда баён этилган умумий тавсифий жиҳатларни ривожлантириш ва бадий асарлар таҳлилни чуқурлаштиришга илмий эҳтиёж сезилмоқда.

Корея адабиётининг муайян масалалари рус корейсшунос олимлари томонидан ҳам таҳлилга тортилган. Хусусан, Д.Д. Елисеев билан бир қаторда Россия Федерацияси ФА Шарқшунослик институти Санкт-Петербург бўлимининг ходимлари М.И. Никитина, А.Ф. Троцевичлар XX асрнинг 60-йилларида биринчилардан бўлиб ёзма адабий ёдгорликларни нашрга тайёрлаш борасида жиддий ҳаракат бошлашган. Бу ҳаракатнинг натижаси сифатида Корейс адабиёти тарихи, шунингдек, корейс ўрта аср адабиёти⁵ бўйича бир қатор тадқиқотлар юзага келди. Россиялик корейсшунос олим Д.Д. Елисеевнинг “Ўрта аср корейс новелласи” номли монографиясида кўтарилган муаммоларнинг кўлами эса пхэсол жанри ҳақиқатан корейс адабиётшунослигида катта қизиқиш уйғотганлигидан дарак беради⁶.

Жумладан, ХХI аср бошларида А.Ф. Троцевич Санкт-Петербург университети Шарқшунослик факультетида 1952 йилдан 2002 йиллар давомида ўқиган маърузалари асосида ўрта аср корейс адабиёти бўйича ўқув қўлланма яратилди⁷. Қўлланмага илова қилинган ўрта аср корейс адабиёти хрестоматияси алоҳида қимматга эга.

XX асрнинг 60-йилларида корейс тадқиқотчилари ва россиялик корейсшунослар ўртасида корейс адабиётини даврлаштириш масаласи долзарблик касб этган. Зотан, корейс адабиётини даврлаштириш масаласида асосий мезон сифатида сулолалар даври диққат марказида тутилган. Хусусан, рус адабиётшунослари М.Н. Никитина, А.Ф. Троцевич тадқиқотларида корейс адабиётини даврлаштириш ва асосий адабий жанрлар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот берилган бўлиб⁸, улар корейс адабиётшунослари томонидан таклиф этилган корейс адабиёти тарихини даврлаштириш бўйича мулоҳазаларни инкор этишган. Бироқ, шу билан бирга, А.Ф.Троцевич хулосавий фикр тарзида корейс адабиётини даврлаштиришда яна анъанавий усулга мурожаат қилиб, корейс адабиёти тарихини сулолалар тарихи бўйича даврларга бўлганлиги кузатилади⁹.

Мустақиллик шарофати туфайли Ўзбекистон Республикаси билан Жанубий Корея ўртасида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар фаоллашганидан сўнг ўзбек шарқшунослари учун корейс адабиёти муаммолари билан жиддий

⁴ Ко Жон Ок «О корейских сорхва» – Пхеньян, 1972; Елисеев Д.Д. «Новелла корейского средневековья» (М.,1977).

⁵ Никитина М.И., Троцевич А.Ф. Очерки истории корейской литературы до XVI в. –М.: Наука, 1969; Елисеев Д.Д. Новелла корейского средневековья. –М.: Наука, 1977; Еременко Л., Иванов В. Корейская литература: краткий очерк. – М.: Наука, 1964.

⁶ Елисеев Д.Д. Новелла корейского средневековья. –М.: Наука, 1977.

⁷ Троцевич А.Ф. История корейской традиционной литературы (до XX в.): Учебное пособие. – СПб; Издательство СПбГУ, 2004.

⁸ Никитина М.И., Троцевич А.Ф. Очерки истории корейской литературы до XIV в. –М.: Наука, 1969; Троцевич А.Ф. История корейской традиционной литературы (до XX в.): Учебное пособие. –СПб, Издательство СПбГУ, 2004.

⁹ Бу ҳақда тадқиқотнинг 1- боби, 1.1. фаслида батафсил тўхталамиз

шуғулланиш имконияти туғилди. Корея халқи, унинг маданияти, санъати ва адабиётига бўлган қизиқиш 1993 йили Тошкент давлат шарқшунослик институтида Кореяшунослик факультетининг очилишига асос бўлди. Натижада Ўзбекистонда корейс тилшунослиги бўйича номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди¹⁰, луғатлар¹¹ ва ўқув қўлланмалар¹² яратилди. Бироқ замонавий корейс адабиётининг шаклланишида бош омил бўлган ўрта аср корейс адабиёти бугунги кунга қадар корейсшунослар томонидан монографик планда етарли даражада илмий тадқиқ этилмаган.

Корея адабиёти тадқиқига бағишланган корейс адабиётшунослари, рус ва ўзбек корейсшунослари тадқиқотлари таҳлили шуни кўрсатадики, ўрта аср корейс адабиёти насри, хусусан, ушбу даврда яратилган “Хон Кил Дон ҳақида қисса” асарининг ўзига хос хусусиятлари, бу давр жанрлари тараққиёти, қиссанинг бадиий-ғоявий жиҳатлари, тадқиқ этилаётган асарнинг композицион ва сюжет тузилиши, асардаги фольклор элементлари махсус монографик планда тадқиқ этилмаган. Бинобарин, “Хон Кил Дон ҳақида қисса” мисолида ўрта аср корейс насрини ўрганиш бу давр адабиётида ифодаланган асосий мавзулар, мотивлар, яратилган асарларнинг бадиияти юзасидан муҳим хулосалар чиқариш учун асос бўлади.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институти илмий ишлари режаси асосида бажарилган бўлиб, Осиё ва Африка халқларининг адабиётини ўрганишда адабий жараённинг қиёсий-типологик таҳлили, шарқ халқлари фольклори ва адабий алоқалари ҳамда ўзаро таъсирини аниқлаш соҳасидаги илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқ. Тадқиқот, шунингдек, Жанубий Корея Республикасининг “Корея Фаундейшен” номли гранти доирасида амалга оширилди. Диссертация мавзуи Тошкент давлат шарқшунослик институти Илмий кенгаши томонидан 2006 йил 27 апрелда (8-сон баённома) тасдиқланган.

Тадқиқотнинг мақсади ўрта асрлар корейс насри спецификаси ва унинг жанрлари тараққиёти масалаларини тадқиқ этиш, “Хон Кил Дон ҳақида қисса” асари мисолида ўрганилаётган давр корейс насрига хос асосий мотивлар, ғоявий-эстетик қарашлар ва айрим бадиий хусусиятларни таҳлил этишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Тадқиқотнинг асосий мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги вазифалар белгиланди:

– корейс адабиёти тарихига оид илмий манбаларни таҳлил этиш ҳамда корейс адабиётининг юзага келиши ва тараққиёти тарихини даврлаштириш масалаларига ойдинлик киритиш;

– ўрта аср корейс насрида қисса жанрининг вужудга келиши омилларини белгилаш ҳамда бу давр қисса жанрининг асосий хусусиятларини тавсифлаш;

– *сосол* туркумига кирувчи ўрта аср корейс насрий адабиёти жанрлар таркибини ўрганиш ва шу асосда корейс адабиёти тарихини даврлаштириш тамойилларини белгилаш;

¹⁰ Тен Ю.П. Суперсегментные свойства сигментных единиц и их соотношения - проблема общего и частного языкознания (на материалах корейского языка): Автореферат дис. ... канд. филол. наук. - Ташкент, 2005; Ким Н.Д. Грамматическая и функционально-семантическая природа главных членов предложения в корейском языке: Автореферат дис. ...канд. филол. наук. - Ташкент, 2006; Де Юн Хи. Языковая ситуация корейцев Узбекистана: Автореферат дис. ... канд. филол. наук. - Ташкент, 2008.

¹¹ Каримов А.А., Ким Е.В., Пан Л.А. Қисқача корейсча-ўзбекча луғат – Тошкент, 2009; Ким О.А., Шокирова Н. Грамматик конструкция луғати. – Тошкент, 2009.

¹² Ким О.А., Шокирова Н., Миркомилова М. Корейс тили. – Тошкент, 2009.

– “Хон Кил Дон ҳақида қисса” асарининг сюжет ва композицион тузилишини тадқиқ этиш;

– “Хон Кил Дон ҳақида қисса” асаридаги фольклор унсурлар ва эпик мотивлар ўрнини аниқлаш.

Тадқиқот объектини ўрта аср корейс адабиётининг умумий типологик хусусиятларини тўла акс эттирувчи *сосол* наср жанри ташкил қилади.

Тадқиқот предмети “Хон Кил Дон ҳақида қисса” (Пхеньян, 1974) асари ва унинг Сеул коллекциясидаги ксилограф нусхаси (қадимги корейс қиссалари матнларининг фототипик нашрлари (Сеул, 1959))дир.

Тадқиқотнинг методологик ва назарий асослари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг миллий истиқлол мафкурасини акс эттирган асарлари тадқиқотнинг методологик асосини ташкил қилади. Диссертацияда қўйилган мақсад ва вазифаларни ёритишда Ко Жон Ок, Лю Чхан Сон, Чжу Ю Гуан каби корейс, В. Жирмунский, Н. Конрад, Б. Рифтин, Д. Лихачёв, Н. Никулин, С. Неклюдов, М.Н. Никитина, А.Ф. Троцевич, Д.Д. Елисеев, Л. Еременко, В. Иванов каби рус ва Н.И. Ибрагимов, Т.А. Мухтаров, Ж.Т. Зиямухамедов каби ўзбек олимларининг ишларига асосланган, хусусан, мавзуга доир айрим тадқиқот ва мақолалардан фойдаланилди. Тадқиқот ишида ўрни билан “조선어 연구” (“Корейс тилини илмий тадқиқ этиш масалалари”) (Пхеньян, 1949), Ким Тхэ Жуннинг “조선 소설사” (“Корейс адабиёти (қиссалари) тарихи”) (Пхеньян, 1972) тадқиқотларига мурожаат қилинди.

Тадқиқот методлари. Таҳлил усули сифатида тарихий-қиёсий ва қиёсий-типологик методлар белгиланди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

1. Корейс адабиётига оид илмий тадқиқот ва бадиий манбаларда корейс адабиёти уч тамойилга кўра даврлаштирилади: а) сулолалар тарихи асосида; б) асрлар асосида; в) олти давр асосида: илк, шаклланиш, шиддатли тараққиёт, раванқ даври, жадал ривожланиш, тушкунлик.

2. Корейс адабиёти тараққиётини умумий типологик тамойилларга асосланиб, бешта тарихий даврга ажратиш мақсадга мувофиқ. Албатта, бу даврлар қатъий чегарага эга эмас.

3. Учта йирик диний фалсафий йўналиш – конфуций, даосизм, буддизм ўртасидаги тафовутларга қарамасдан ўрта аср корейс адабий асарларида мазкур таълимотларнинг синтези кузатилади.

4. “Хон Кил Дон ҳақида қисса” фольклорга хос сюжет ва халқ эпик қиссалари услублари асосида яратилгант *чон* асардир. *Чон* асар ўрта аср корейс насрига хос бўлиб, бунда қисса материалнинг характерига эмас, балки қиссанинг предмети бўлган қаҳрамоннинг ажойиб фаолиятига ишора қилинади.

5. “Хон Кил Дон ҳақида қисса” қаҳрамони барча халқлар фольклорида кузатиладиган тарихий шахснинг кейинчалик бадиий адабиётга образ сифатида кўчиш намунасидир.

6. Ўрта аср корейс қиссалари қуйи табақадан келиб чиққан ёки қандайдир ҳаётий сабабларга кўра мансабидан айрилган инсоннинг бош қаҳрамонга айланиши билан характерланади.

Ишнинг илмий янгилиги:

– диссертацияда илк бор ўрта аср корейс насри намунаси “Хон Кил Дон ҳақида қисса” асарининг ўзига хос хусусиятлари, бу давр жанрлари тараққиёти, қиссанинг бадиий-ғоявий жиҳатлари, композицион ва сюжет тузилиши, асардаги фольклор элементлари махсус монографик планда тадқиқ этилди;

– мазкур тадқиқотда ўрта аср корейс насри намунаси ҳисобланган сосол туркумига кирувчи қисса жанрининг тадрижий ривожланиши ва асосий хусусиятлари кўрсатиб берилди;

– “Хон Кил Дон ҳақида қисса” асари мисолида ўрта аср корейс қиссаларининг сюжет чизиғи ва композицион тузилиши ўрганилди;

– корейс адабиётининг тараққиёт босқичларини даврлаштириш бўйича тавсиялар берилди;

– “Хон Кил Дон ҳақида қисса” асари мисолида ўрта аср корейс қиссасининг пайдо бўлишида фольклор ва эпик мотивларнинг ўрни очиқ берилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот мамлакатимизда корейс адабиёти тарихи бўйича амалга оширилаётган илк тадқиқот бўлганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси корейсшунослигида ўрганилаётган мавзу бўйича янги саҳифа очилади. Тадқиқот хулосалари ўрта аср корейс насрини, умуман корейс адабиётини комплекс тарзда ўрганишга муайян ҳисса қўшади.

Тадқиқот натижалари Филология ва тилларни ўқитиш (корейс тили ва адабиёти) таълим йўналиши ва Адабиётшунослик (корейс адабиёти) таълим мутахассислиги бўйича таҳсил олувчи талабаларга “Асосий ўрганилаётган тил (Корея) адабиёти”, “Мутахассисликнинг назарий масалалари” фанларини ўқитишда қўшимча манба вазифасини ўтайди. Тадқиқот материаллари, шунингдек, корейс адабиёти масалалари бўйича тадқиқот олиб бораётган изланувчилар ва магистрантлар учун йўналиш бериши мумкин. Диссертация Шарқ мамлакатлари адабиёти академик тарихини, хусусан, корейс адабиёти тарихи бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда қўлланилиши мумкин. Иш материаллари ва хулосалари корейс адабиёти тарихи ҳамда ўрта аср Шарқ адабиёти бўйича махсус курслар ўқишда ўқув материали сифатида фойдалидир.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Мазкур илмий тадқиқот иши бўйича корейсшунослик масалаларига бағишланган республика ва халқаро илмий анжуманларида, жумладан, Тошкент давлат шарқшунослик институти профессор-ўқитувчиларининг “Шарқшуносликнинг долзарб муаммолари” (2006 йил 1-2 февраль), Корея Фаундейшен фонди томонидан ўтказилган корейсшуносларнинг халқаро “Содействие развитию корееведения в СНГ: проблемы и решения” (2006 йил 31март-1 апрель) конференциясида, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида ўтказилган “История корейского языка и литературы в Узбекистане” (2006 йил 18 октябрь), Қозоғистон Республикаси Қозоғистон Миллий Университетида ўтказилган “The Interaction between Korean and Central Asian cultures” (2006 йил 4-5 июль) илмий-амалий ва йиллик анжуманларида маърузалар қилинган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Тадқиқот натижалари диссертантнинг бакалавр йўналишида “Корейс адабиёти тарихи”, “Ўрта аср корейс насри” ва магистратура мутахассислигида “Пхэсол” (танлов фан) каби фанларни ўтиш жараёнида синовдан ўтган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Илмий тадқиқот мавзуи бўйича 9 та мақола (жумладан, шулардан иккитаси чет элда) нашр қилинган. Диссертация натижалари корейс адабиёти бўйича рус ва ўзбек тилларида ҳаммуаллифликда чоп этилган иккита ўқув қўлланмада ҳам ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 150 саҳифадан иборат. Тадқиқотга 179 та манба ва адабиёт жалб этилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилиш даражаси, илмий янгилиги, мақсад ва вазифалари, тадқиқот манбаи, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, жорий қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Ўрта аср корейс насрини даврлаштириш ва жанрлар таркиби масалалари**” деб номланиб, унинг “**Ўрта аср корейс насрининг жанрлар таркиби**” фасли ўрта аср корейс адабиётини даврлаштириш масалаларига бағишланган. Ўрта аср корейс адабиётини ўрганган корейс олимлари ўз адабиёти тарихини даврлаштиришда бир неча тамойилга асосланадилар.

Биринчи тамойил корейс адабиёти тарихини даврлаштиришда сулолалар бўйича ёндашилганлиги билан характерланади. Ким Тхэ Жун, Юн Се Пхён¹³, Тон Гин Хун¹⁴ нинг ишларида мазкур тамойилга асосланганлиги кузатилади. Тон Гин Хун бундан олмаси ҳам, унинг таснифида ҳар бир адабий давр у ёки бу сулоланинг ҳукмронлик даври билан айнан мос келади (масалан, X-XIV асрларда Корё, XV-XIX асрларда Ли сулолалари ҳукмронлиги тарзида).

Иккинчи тамойил адабий жараёнларни асрларга кўра даврлаштиришни назарда тутди. Масалан, ХХДР ФАнинг Тил ва адабиёт институти томонидан чоп этилган “Корейс адабиётининг умумий тарихи” асарида мана шу тамойилга асосланган¹⁵. Бунга кўра адабий жараённинг узвийлигига тўла амал қилинмайди. Адабиёт тарихи эса хронологик жиҳатдан бир-бирига яқин ёзувчилар ижодига боғлиқ ҳолда таснифланади.

Учинчи тамойил жанубий корейлик адабиётшунос Пак Сон И томонидан таклиф қилинган бўлиб, олим корейс насри тарихини олтига, яъни, илк, шаклланиш, шиддитли тараққиёт, раванқ даври, жадал ривожланиш, тушкунлик каби даврларга ажратган¹⁶.

Замонавий корейс адабиётшуносларининг тадқиқотларида, адабиёт тарихини Корейнинг иқтисодий ва сиёсий тарихи босқичлари билан мувофиқлаштиришга интилиш сезилади. Улар даврлаштиришда адабий жараёнларнинг таҳлили ёки унинг ўзига хос хусусиятлари, белгиларига эмас, аксинча, адабиёт билан у ёки бу даражада боғлиқ бўлган ҳодисаларга асосланишган. Бироқ адабий жараённи даврлаштириш масалалари мамлакат тарихининг даврлаштирилиши билан тўла мос келиши мумкин эмас, чунки адабиёт халқ тарихининг бевосита эмас, балки бадиий тасвирий воситалар орқали намоён бўладиган аксидир. Санъатнинг алоҳида тури саналадиган бадиий адабиёт ўз специфик хусусиятлари ва ички қонуниятларига эга.

Фикримизча, ўрта аср корейс адабиёти тарихини мамлакат адабиётининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда адабиёт тараққиётининг умумий типологик тамойилларига асосланиб даврлаштириш мақсадга мувофиқдир. Зотан, академик Д.С. Лихачёв асосли таъкидлаганидек, теварак-атрофдаги оламни, энг аввало инсонни тушуниш ва тасвирлаш мезони адабиётнинг тарихий бўлиниши учун асос бўла олади. Оламни тушуниш ва уни бадиий тасвирлаш методларининг ўзгариши, адабиётда инсон, табиат, турмуш тасвирининг ўзгаришига олиб келади. Дарҳақиқат, бу ўзгаришлар, адабиёт тараққиётида даврлар алмашинуви рўй

¹³윤세편. 이시대의 한국 문학사 발달과 장리. 평양. 1984 (Юн Се Пхён. Ли сулоласи даври корейс адабиёти тараққиёти тарихи ва жанрлар ҳақида. –Пхеньян, 1984.)

¹⁴동근훈. 한국문학사의 시대 구분. 평양. 문학 연구. 1980 65-77쪽. (Тон Гин Хун. Корейс адабиёти тарихини даврлаштириш ҳақида / Мунхак Ёнгу/ - Пхеньян, 1980. - №4. - С.65-77.

¹⁵한국문학사 1. 평양. 1959. (Корейс адабиёти умумий тарихи. –Пхеньян, 1959.Т.1.)

¹⁶박 송의. 한국 고대소설. 서울. 1981. 32쪽. (Қадимги корейс насри тарихи. –Сеул, 1981. –С 32.)

берганини билдиради¹⁷. Айнан ана шу нуқтаи назардан ўрта аср корейс адабиёти тараққиётини бошқа адабий даврлар билан қиёсий ўрганиш муҳим аҳамиятга молик.

Ўрта аср корейс адабиёти тарихининг асосий хусусиятлари, ундаги инсон ва табиат тасвирларидаги ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда ўрта аср корейс адабиёти тарихини қуйидагича даврлаштириш мумкин:

1. Нотиқлик даври – ёзма манбалар сақланиб қолмаганлиги сабабли шартли равишда шундай номланди (энг қадимги даврдан X асргача).

2. Расмий ва норасмий тарихий ёдномаларга фольклор, сюжетли материалларнинг киритилиш даври (XI-XIV асрлар).

3. Воқеликни бадий тўқималар орқали тасвирлаш даври (XIV-XVI асрлар).

4. Пхэсол адабиётининг жадал ривожланиш даври (XVI-XVIII асрлар).

5. Маърифатпарварлик даври (XVIII-XIX).

Ўрта аср корейс адабий жараёнида муҳим аҳамиятга молик бир қатор ёдгорликлар мавжуд. Ким Бу Сик (1075-1152)нинг “삼국사” “Уч давлатнинг тарихий ёзувлари” тарихий асари шулар жумласидандир. Асар 1145 йили ёзилган бўлиб, расман тарихий асар деб тан олинган. Бу даврда Кореяда тарихий асарлар “첩사” чопса “расмий тарих” ва “야사” яса “норасмий тарих” каби иккита гуруҳга бўлинган.

Хукмдорнинг буйруғига кўра, қадимги хитой фольклор намунаси хисобланган Син Цянь (Шицэн, I асрнинг боши) асосида яратилган ушбу асарда Ким Бу Сик Силла, Пэкче, Когурё ва Бирлашган Силла давлатларининг тарихини тасвирлаган. Конфуций идеаллари асосида тарбия кўрган собиқ давлат арбоби Ким Бу Сик, муаллифнинг вазифаси авваламбор асарнинг маънавий таъсирида, деб билган. Асардаги инсон образларининг яратилишида муаллифнинг идеал ҳоким ва идеал фуқаролар ҳақидаги тасаввурлари асос бўлган. Бу асар қаҳрамони давлат ишларида фаол иштирок этадиган тарихий шахсдир. Ким Бу Сик тарихни халқ ривояти ва афсоналари асосида “қайта яратар” экан, беихтиёр, ўзи истамаган ҳолда фольклор унсурларининг тарихий асарларга кириб келишига сабабчи бўлган.

Иккинчи, йилномаларга хос жиҳат эса Конфуций таълимоти билан боғлиқ бўлиб, қаҳрамон тахтга ўтирганидан сўнг кўпроқ намоён бўлади. Бунда қаҳрамон Конфуций идеалларига мувофиқ равишда доно ва инсонпарвар ҳоким, “халқнинг отаси” сифатида гавдаланди. Шундай қилиб, образларнинг қаҳрамон типи яратилишига халқ оғзаки ижоди, доно ва инсонпарвар типи намоён бўлишига эса доимо ўз давлатига содиқ бўлган давлатбоши ва фуқарога ҳам тегишли бўлган Конфуций таълимоти таъсир қилган.

Ким Бу Сикнинг асари бадий анъаналарни давом эттирувчи чопса расмий тарих турига мансубдир. “삼국화” “Уч давлат ҳақида ривоят” асари яса “норасмий тарих” типдаги илк асардир. Мазкур асарнинг муаллифи Ким Ирён Ким Бу Сикдан фарқли ўлароқ, ўз олдида халқ хотираси тарихининг ажралмас бир қисми бўлиб сақланиб келаётган нарсаларни, яъни давлат асосчилари – “оддий фуқаро”, “ғайри оддий”, “ажойиб” /왕/ ванларнинг туғилиши, шаҳарларнинг қурилиши, ажойиб ҳамда ғаройиб ходисалар ҳақида ривоят-афсоналарни йиғиш, тўплаш ва ёзиб олишни вазифа қилиб қўйди. Бироқ мазкур давр учун характерли бўлган ёдгорликларнинг турли таснифига қарамадан, уларда инсонни, ҳақиқатни тасвир этиш тамойили бир хилдир. Асарларда инсон тарихий шахс сифатида акс эттирилади. Бизнинг

¹⁷ Лихачёв Д.С. Культура Руси времен Андрея Рублева и Епифания Премудрого. –М., –Л., 1962; Его же. Исследования по древнерусской литературе. –Л.: Наука, 1986.

наздимизда, асарлардаги ҳодисалар ҳужжатлар билан далилланган бўлмаса-да, муаллиф учун тарихий фактдир.

XIV аср охири XVI асрнинг бошларида сулолаларнинг алмашиши, тахт учун кураш билан боғлиқ воқеалар ернинг давлат мулки сифатида тартибга солиниши ва марказлаштирилган ҳокимиятнинг мустаҳкамланиши билан якунланди. Маданий ҳаётда ҳам катта ўзгаришлар бўлди: 1443 йилда хунмун чэнъим миллий фонетик ёзуви кашф этилди. Бу ёзув ханмунни¹⁸ истеъмолдан чиқара олмаса-да (ханмун XIX асргача мавжуд бўлган), корейс сўзлашув тилини ёзиб олиш имконияти пайдо бўлди. Худди шу даврда ҳарф териш йўли билан китоб босиш кенг қўлланила бошлади. Буларнинг ҳаммаси она тилида ҳам наср, ҳам назмнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Бу жараёнларнинг амалга ошишида адолатпарвар ҳукмдор қирол Сежоннинг хизмати катта бўлди.

XIV–XVI асрлар *пхэсол* адабиётининг жадал ривожланиши билан характерланади. Пхэсол хитой тилидаги ўрта аср корейс насрий адабиётининг кичик туридир¹⁹. Пхэсол ўз ичига новелла, латифа, ривоят, очерк, адабий хабар каби жанрларини қамраб олади. Пхэсол жанрлари корейс бадиий насрининг ривожланишига сезиларли туртки бўлди ва уларнинг таъсири кеч ўрта асрлар охиригача давом этди. Афсуски, бу асарлар ҳозирги кунга қадар етарлича тадқиқ қилинмаган²⁰.

Пхэсол атамаси Хан даврида шаклланган (эр.ав. 220-206 йиллар) хитой адабий жанри “байшо вэнсюэ” ёки “байгун вэнсюэ” номи билан бошланади.

“Хан-шу” қадимги хитой тарихий сономасида келтирилишича, Хитойда Хан сулоласи даврида “байгун” лавозими таъсис этилган.²¹ “Байгун”, яъни майда амалдорларнинг хизмат доирасига халқ эртаклари, ҳикоя, ривоят, кўшиқ ва халқ оғзаки ижодининг бошқа намуналарини тўплаш кирар эди. Байгун институти аслида сиёсий мақсадни кўзда тутган эди: фольклор материалларнинг ёзма шакллари доимий равишда императорга етказиладиган ахборот материалларининг бир қисми эди. Вакт ўтган сари бу асарлар қайта ёзилди ва ишланди, қайта кўчирувчилар томонидан шахсий ижод унсурлари киритилди, бунинг натижасида фольклор сюжетларига асосланган “байгун вэнсюэ” (“байшо вэнсюэ”) деб номланган ўзига хос адабиёт пайдо бўлди. Аммо корейс аъналариди пхэсол тўпламлари майда амалдорлар томонидан эмас, балки адабий доирада юқори ижтимоий мавқега эга бўлган машҳур вакиллар томонидан тўпланар эди. Фикримизча, корейс муаллифлари яратилган асарларни, энг аввало, унинг таснифига, хитой адабиётидаги “байшо” (бицзи) жанрига ўхшашлигини назарда тутиб, пхэсол деб номлаганлар²².

Бу давр қиссаларида ташқи сабаблар характерни шакллантирмайди, балки асосий қаҳрамонларнинг характеридаги фазилатлар бутун воқеалар давомида доимий, аниқ намоён бўлишига кўмаклашади. Бу туркумдаги қисса ижодкорлари ўз қаҳрамонларини сунъий мураккаб ҳолатга қўйиб, уларнинг инсоний фазилатларини янада бўрттириб кўрсатадилар.

Шу бобнинг иккинчи фасли **“Корейс адабиётида насрий жанрларнинг хусусиятлари (XVII–XIX асрлар)”** деб номланади.

¹⁸ /한문/ Ханмун - хитой ёзувининг корейслаштирилган шакли.

¹⁹ “Тур” сўзи адабиётшуносликда қабул қилинган атама маъносида эмас, балки “хил”, “тип”, “тур” маъносида қўлланилади.

²⁰ Корейс филологи Ко Жон Ок «О корейских сорхва». –Пхеньян, 1972; Елисеев Д.Д. «Новелла корейского средневековья» (М.,1977) асарлари бу соҳадаги энг намунали ишлардан ҳисобланади.

²¹ Қаранг: Фишман О.Я. Три китайских новеллиста. –М.,1980. – С. 8-10.

²² Кўрсатилган асар. –Б. 11.

XIX асрда корейс адабиёти кўп қиррали бўлиб, “адабий иерархия”нинг юқори қатламини анъанага кўра ханмундаги назм ва наср (“олий наср” деб аталувчи *춘 чон* “биографик асар”, *기* *ки* “хотира, қайд”, *녹* *нок* “рисолалар”) эгаллаган эди. Ундан кейин корейс ўрта аср адабиёти иерархияси “олий насри”дан қуйироқ ўринни унинг кутби сифатида баҳоланган ханмундаги “турли-туман кўнгилочар” наср – *пхэсол* эгаллайди. Она тилидаги адабиёт ханмундаги адабиётга нисбатан паст баҳоланади, аммо унинг ҳам ўз иерархияси мавжуд эди: биринчи ўринда назм (*시조* *сижо* ва *가사* *каса*), кейин наср (роман ва кундалиқлар) ва энг қуйи ўринни “оддий халқ адабиёти” саналган “қиссалар” эгаллаган.

Бу даврга келиб ханмунда яратилган шеърият асосан нодон амалдорлар бошқарувидаги камбағал халқнинг аҳволи ҳақидаги анъанавий мавзуларни тасвирлашга қаратилган эди. Шеъриятнинг энг етакчи мавзуларидан яна бири инсон ҳиссиётларини, туйғуларни ифода этиш бўлган²³. Мана шундай шеър намуналарини “Хон Кил Дон ҳақида қисса” (*홍길동전*) муаллифи Хон Гюн (*허균*) (1569-1618), машҳур насрчи Лю Монъин (*유몽인*)(1559-1623), ўз сижоси билан машҳур бўлган Син Хим (*신흠*) (1566-1628), корейс тилидаги биринчи романлар муаллифи Ким Ман Жун (*김만중*) (1637-1692), йирик олим ва “Сирхак” (*실학*) оқими ғояси тарафдори Чон Ягён (*정약용*) (1762-1836)лар ижодида ҳам учратамиз.

Диссертациянинг иккинчи боби “Ўрта аср корейс насри “Хон Кил Дон ҳақида қисса”да қаҳрамон ва вазият талқини” деб номланиб, унинг биринчи фаслида ““Хон Кил Дон ҳақида қисса” асарининг сюжети ва композицион хусусиятлари” таҳлилга тортилди.

Ўрта аср адабиётининг ўзига хос хусусиятларидан бири, унинг диний бўёкка эга, шу билан бир қаторда, воқеаларнинг кетма-кетликда, изчилликда содир бўлишига асосланган, кенг қамровли, мавзуи жиҳатдан хилма-хил бўлган кўп сонли асарлар туркумини қамраб олганлигидир. Бу ёдгорликлар моҳият эътибори билан бир-бирини инкор қилмайди, аксинча дунёнинг ягона миллий манзараси, яъни унинг бадиий образини белгилаб беришда катта ўрин тутаяди.

Корейс тилидаги илк қиссалар адабиёт ёки фольклорда маълум бўлган сюжетлар асосида яратилди. XVI асрдан бери корейс анъанавий адабиётида мавжуд бўлган классик қаҳрамон “Хон Кил Дон ҳақида қисса” асари мазкур қиссалар турига мисол бўла олади.

Кўплаб бошқа ўрта аср корейс қиссалари каби “Хон Кил Дон ҳақида қисса” *чон* асар тарзида ёзилган. Тарихнависликдаги инсонга, унинг тақдирига қизиқиш бадиий адабиётга ўтган. *Чон* белгиси эса аввалдан китобхонга асарда ажойиб инсон, унинг тақдири, шахсий фазилатлари туфайли барча ҳаётий қийинчиликлардан мардонавар ўтиб, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар шон-шухрат ва обрўга эришганлиги ҳақида фикр юритилишидан дарак беради. Аксарият ҳолларда қаҳрамоннинг келиб чиқиши ҳақидаги маълумот билан бошланган қиссанинг тарихий ҳақиқат (биографик) билан алоқаси мавжудлигидан гувоҳлик беради. Хусусан, “Хон Кил Дон ҳақида қисса” ҳам қуйидагича бошланади:

“조선국 세종 임금 때에 한 재상이 있으니 성은 홍이요 이름은 아무개였다. 대대로 이름나고 크게 번영한 집안으로 젊은 나이에 과거에 올라 벼슬이 이조판서에 이르니 남들이 우르러 보는 명망이 조정과 민간에 으뜸이요 충성과 효도를 아울러 갖추었으므로 이름이 온 나라에 떨치었다.

²³ Қаранг: 이가원. 한문으로 된 한국 문학 역사. 서울, 1961. (Ли Гавон. Ханмундаги корейс адабиёти тарихи. – Сеул, 1961.)

일찍이 두 아들을 두었는데 한 아이의 인형이니 본처유씨에게서 낳았고, 한 아들은 이름이 길동이니 계집종 춘섬에게서 낳았다”.

“Ҳикоя қилишларича, қадим-қадимда, Сежонг ҳукмронлиги даврида отасининг исми Хон, ўзининг исми Мо бўлган амалдор яшаган экан. Хон машхур ва аслзода экан. Ёшлигидаёқ у давлат имтиҳонларини топшириб, мансабдорлар палатаси бошлиғи вазифасини бажарган. Хоннинг исми қишлоқ ва шаҳарларда маълуму машхур бўлиб, у вафодор ўғил ва давлатпаноҳининг садоқатли хизматкори сифатида донг таратган экан. Хоннинг иккита ўғли бўлган, каттасининг исми Инхён. Унинг онаси Лю авлодидан бўлиб, Хоннинг қонуний завжаси экан. Кичик ўғли Кил Дон эса Чхунсом исмли канизакнинг фарзанди экан”²⁴.

“Хон Кил Дон ҳақида қисса”нинг сюжет ва композицияси асарнинг қаҳрамонликни намоён этишга бўлган асосий ғоясига тўлиқ мос келади. Асарда қаҳрамоннинг ташқи қиёфаси, ландшафт, табиат унсурлари ва ҳодисаларнинг тасвири қисқа берилган, бироқ улар ҳеч нарсага таъсир қилмайди, ҳеч бир ҳаракатни белгилаб бермайди. Чунки энг аҳамиятли таъсир этувчи қаҳрамон ўзи, унинг нутқи, ҳатти-ҳаракатларида мужассамдир. Албатта, халқ юзини белгиловчи илк омил бу ўша халқ истиқомат қилган макон, у яшаб, ижод этаётган манзилдир. Тадқиқ этилаётган даврдаги корейс адабиётида маконнинг ҳам вертикал, ҳам горизонтал тақсимланиши кузатилади. “Хон Кил Дон ҳақидаги қисса” учун маконнинг учта бўлимга вертикал тақсимланиши хосдир, яъни юқори, ўрта ва қуйи дунёлар. Тоғлар юқори макон остини ўзида мужассам этади, аксарият ҳолларда улар самони ифода этиб, корей адабиёти ва санъатида ўзига хос юқори поғонани белгилайди.

“Хон Кил Дон ҳақида қисса”да қаҳрамоннинг фаолиятлари бир нечта вазиятдан иборат, яъни бош қаҳрамоннинг саргузаштлари: аввалига бу, Хон Кил Доннинг “олижаноб” қароқчилар бошлиғи сифатидаги фаолияти, улар бойларни кўрқитиб талон-тарож қилганларини камбағалларга бўлиб бериши, кейин эса у аслзода одамнинг ўғирланган қизини халос этган улдонлар мамлакатадаги сеҳрли эпизод, унинг асосий фаолияти эса – Юлдо подшоҳлигини забт этиб, шоҳ тахтини эгаллаши, бахтли ҳукмронлик қилиши, катта оилага эга бўлиб, узоқ умр кўриши ва самога кўтарилишидан иборат.

Барча воқеалар фолбин башорати билан бирлашган мустақил лавҳалардир. Аввалига қисса битта қаҳрамон атрофида мужассамлашган фаолиятларни тасвир этувчи алоҳида новеллалардан иборат, деб ишонч билан айтиш мумкин. Бундай асарда нафақат ҳар қандай эпизодда қиссани яқунлаш мумкин, балки бу ерда ҳар бир лавҳанинг ўрнини алмаштириш осон. Зероки, ҳар бир фаолият мустақилдир. Аммо бунда битта шарт, яъни туғилиш ҳақидаги ҳикоя – бошланиш ва қиссанинг якуни сакланиб қолиши керак. Бу ҳақда қуйида батафсил тўхталамиз. Қайд этилганларни эътиборга олган ҳолда, қисса тузилмасини тубандаги каби шартли формула орқали ифодалаш мақсадга мувофиқ.

↓

$A \rightarrow B \rightarrow \Phi \rightarrow K\Phi \rightarrow Y$

↑

Бунда: А – қаҳрамоннинг келиб чиқиши, В – вазият (етишмовчилик), Ф – фаолият (кФ - бир нечта фаолият), Я – якун, “→” белгиси – импликация. Келтирилган формулада импликация белгиси шартли рамзлар ўртасидаги (А, В, Ф, Я) сабаб - оқибат алоқасини акс эттирмайди. Қиссанинг бундай ўзига хос рамкаси

²⁴ 이 명구. 흥부전. 흥길동전. 전우치전. 유충렬전. 서울. 하서출판사. 2004 . 97쪽. (Хон Кил Дон ҳақида қисса. – Сеул: Хасохольпанса нашриёти, 2004. –С.97.)

вазиятларнинг бир-биридан “келиб чиқишини белгилаш” имкониятини беради. Илк қарашда мантиқсизликка ўхшаб кўринган ушбу алоқа аслида қонунийдир: яъни буюк аждодларнинг мавжудлиги буюк қаҳрамоннинг пайдо бўлишига имкон беради, ўз навбатида, унинг ажойиб ҳаракатларида буюк авлодларнинг туғилиш имконияти мавжуд.

Шундай қилиб, қисса номланишидаги *чон* анъанавий белгиси қисса материалининг характериға эмас (воқелик – уйдирма), балки қиссанинг предмети бўлган қаҳрамоннинг ажойиб фаолиятлариға ишора қилади.

Шу бобнинг иккинчи фасли **“Хон Кил Дон – ижтимоий ҳуқуқлардан бебаҳра қаҳрамон намунаси”** деб номланади.

Ўрта аср корейс қиссаси учун бош қаҳрамон характерининг мураккаблиги эмас, балки яхлитлиги ва соддалиги хосдир. Худди шу каби Хон Кил Дон ўз отасининг олижаноб ва ҳаракатчан фарзанди, ўз подшоҳининг намунавий фукароси сифатида намоён бўлади. Қисса қаҳрамони шахсининг яхлитлиги Хон Кил Донни алоҳида шахс сифатида эмас, балки конфуцийлик маънавий тамойиллариға мувофиқ бўлган маълум ижтимоий психологик тип сифатида ўрганиш имкониятларини яратади.

“Хон Кил Дон ҳақида қисса”нинг бош қаҳрамони кўплаб халқларнинг адабиёти учун характерли бўлган образдир. Обрўли мансабдорнинг ноқонуний ўғли, демак, кўплаб ҳуқуқлардан маҳрум бўлган “иккинчи даражали” инсон – Хон Кил Дон қароқчи, “жамият тартибларини бузувчи” бўлиб улғаяди. Аммо у бой бўлиш учун эмас, балки камбағал, қашшоқ, ҳуқуқсиз ҳамда бойлар ва зодагонлар томонидан таҳқирланган инсонларға ёрдам бериш учун қароқчи бўлиб етишади. Хон Кил Дон каби олижаноб хислатли қаҳрамонлар кучсиз ва ҳуқуқсизлар ҳимоячиси образи – ўзига хос корейс Робин Гуди намунасидир.

Қаҳрамоннинг ҳаёт йўли, асарнинг якуни “олижаноблик” йўлида бўлса-да, барибир қароқчи, тартибни бузувчиликка олиб келган ихтилоф билан белгиланади. Агарда Хон Кил Дон ва Шиллернинг Карл Моори ўртасидаги параллелликни кузатсак, Ф.Шиллернинг драмасида кучли шахс, қаҳрамоннинг ўз оила аъзолари ва атрофдагилар билан шахсий ихтилофи борлигини кўрамиз. Карл Моордан фарқли равишда Хон Кил Дон отаси, оиласининг бошқа аъзолариға нисбатан адоватли ҳиссиётлардан йироқ. Бу асарда ижтимоий ихтилоф белгилари кўпроқ. Хон Кил Донни жамиятда шаклланган ва мавжуд бўлган тартиблар қониқтирмайди, аммо у отасиға ҳам, қонуний туғилган акасиға нисбатан ҳам адоватни ҳис этмайди. Хон Кил Дон мавжуд бўлган ижтимоий тартибни адолатли қоидалар ҳукмронлик қиладиган баркамол жамиятни яратиш учун бузади. Агар европалик қаҳрамон ўз курашида ноқонуний йўл тутишға тўғри келганидан азоб чекса, Хон Кил Донни бундай виждон азоби қийнамайди.

Ўрта аср корейс қиссасиға хос хусусиятлардан бири паст табақадан келиб чиққан ёки қандайдир ҳаётий сабабларға кўра мансабидан айрилган инсоннинг бош қаҳрамон бўлишидир. Хон Кил Дон қисса сюжетининг ривожланиш жараёнида шу ҳолатни бир неча бор ўз қисматида таъкидлайди. Буни халқ эпик намуналаридан олинган бадий услублардан бири, деб ҳисоблаш мумкин. Бироқ қиссадаги (адабий, муаллифлик асарида)²⁵ бундай вазият пхэсол ҳикоячиларининг услубидан фарқланади. Қиссадаги бундай қайтариқлар шартли махсус бадий услуб сифатида қўлланилган, бунга икки сабаб кўрсатишимиз мумкин: биринчидан, қаҳрамон ҳаётининг энг ёрқин, энг аҳамиятли воқеаларини китобхон онгига сингдириш учун, яъни шу орқали муаллиф китобхон диққатини қаҳрамоннинг куйи табақадан келиб

²⁵ Елисеев Д.Д. Новелла корейского средневековья. –М., 1977. –С.188-200.

чиққанига қаратади, қиссанинг якунида қаҳрамон мукофот ва обрўга эришганида китобхоннинг онгида инсоннинг тақдири унинг қайси табақадан келиб чиққанлиги билан шартланмаслиги ҳақидаги фикр шакллантирилишига эришади. Бундай услуб қиссанинг жанр сифатидаги ютуғигина эмас²⁶, бу услубда асар муаллифининг ўзига хос дунёқараши ҳам намоён бўлади.

Диссертациянинг учинчи боби **““Хон Кил Дон ҳақида қисса” ва ўрта аср корейс насри типологияси масалалари”** деб номланиб, унинг биринчи фасли **““Хон Кил Дон ҳақида қисса” ва эпик мотивлар”**га бағишланган.

XIX асрдан аввалги ўрта аср корейс қиссаларининг нашри ҳозирги кунда мавжуд эмас. Шу сабабли уларни узоқ давр мобайнида оғзаки сақланиши натижаси сифатида кўриб чиқиш имконияти юзага келади. Бу ҳақда сақланиб қолган маълумотлар ҳам гувоҳлик беради, “Чхудже асарлари”да: “Қиссачилар Шаркий дарвоза ортида ўтириб олардилар ва турли ажойиб воқеаларни айтиб берадилар...”²⁷, деб айтилган. Қиссаларни диққат билан ўқиб чиққан тадқиқотчи “хвасол...” (화설) “айтишларича...”, “каксол...” (각설) “ҳикояни давом эттирадилар...”, “чхасол...” (차설) “яна айтишларича...” деган турдаги ишора²⁸ларнинг борлигига эътибор бермаслик мумкин эмас. Фикримизча, бундай иборалар мазкур асарлар авваллари оғзаки шаклда мавжуд бўлганлигига гувоҳлик беради.

“Хон Кил Дон ҳақида қисса”нинг эпосга тааллуқли эканлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Маълумки, эпос йирик туркум асарлар мажмуи бўлиб, адабиёт тарихи ва фольклор анъаналарида бир хил ҳолатни эгаллайдиган, умумий ғоявий-тематик доира, поэтик тартиб ва эстетик йўналишга эга бўлган оғзаки ва адабий ижодиётда кенг қўламда бериладиган асардир²⁹. Биз қиссанинг эпосга тегишли эканлигини таъкидлаган ҳолда, ўрта аср корейс қиссасининг бошқа эпик жанрлардан фарқ қиладиган қатор белгиларини ҳам айтиб ўтмоқчимиз.

Йирик эпик асарнинг ўзига хос хусусиятларидан бири – асарнинг сюжети қаҳрамоннинг бутун ҳаётини, яъни туғилганидан тортиб, вафотига қадар бўлган воқеаларни ўз ичига олиши ҳисобланади. Худди шундай сюжет “Хон Кил Дон ҳақида қисса”да ҳам мавжуд. “Хон Кил Дон ҳақида қисса”нинг асосий иштирокчиси – ғайриинсоний кучга эга бўлган, ўзида маълум бир даврнинг комил инсонини гавдалантирувчи қаҳрамондир. Эпик анъаналарга мувофиқ, қисса корейс адабиётида биографик *чон* жанр учун хос бўлган хусусият, яъни қаҳрамон билан танишув унинг туғилиши воқеаси билан бошланади. Қаҳрамоннинг айнан мўъжизали равишда дунёга келиши ва баҳодирона (пахлавонларча) болалиги жаҳон эпосида унча кўп бўлмаган миқдорда эпик “намуналар” ва ўхшатишларга мос келади.

Масалан, Манаснинг туғилиши ва болалиги ҳақидаги ҳикоя эпосларда ва эртак фольклорларда кенг тарқалган қатор анъанавий мотивлардан тўқилган³⁰. Қаҳрамон кексайиб қолган ота-онасининг дуоси билан мўъжизали тарзда дунёга келади. Туркий халқларда бу мотив халқ оғзаки ижоди намуналари: “Китоб-и-дада Коркут”, “Алпомиш”, “Қоплонди ботир”, “Тўра ботир”, мусулмон Шарқининг мумтоз ўрта аср

²⁶ Жданова Л.В. Поэтическое творчество Чхье Чхивон. –М., –Л., 1998.

²⁷ 박 손의. 한국 고소설 역사. 서울. 1981 32쪽 (Пак Сон И Қадимги корейц насри тарихи. –Сеул. 1981.

²⁸ “белгилар” - бу ерда ўзига хос «конспектлар» назарда турилади, худди шундай «Репертуарные» каби тўпламлар араб ҳикоячиларида ҳам мавжуд бўлган. Қаранг: Ибрагимов Н. Арабский народный роман. –М.: ГРВЛ, 1984.

²⁹ Мирзаев Т. Эпос и сказитель. –Т.: Фан, 2008.

³⁰ Жирмунский В.М. Литературные отношения Востока и Запада как проблема сравнительного литературоведения // Труды юбилейной научной сессии. – ЛГУ. –Л., 1940. –С. 156-160.

адабиётидан Низомийнинг “Лайли ва Мажнун” (XII аср), Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”, форсча-арабча манбаларга асосланган Ўрта Осиё халқ романлари “Қиссаи Сайфул-Мулк”, “Гул ва Санобар” ва ҳоказоларда учрайди³¹.

Жаҳоннинг барча халқлари эпик ривоятлари учун қаҳрамон ўз кучини дастлаб ёшлик, баъзида болалик йилларида намоён этиши ўзига хосдир. Қаҳрамонлар тез улғаядилар, худди ўзлари учун белгиланган вазифаларни аввалдан сезгандек ақл-заковатлари ва катта жисмоний кучларини илк болалик йиллариданоқ намоён этадилар ва, табиийки, уларда китобхонлар (тингловчилар) бу вазиятга тайёрлаб борилади. Масалан, ўзбек эпоси қаҳрамони Алпомиш ўзининг биринчи қаҳрамонлигини етти ёшда амалга оширади. Ёки, беланчакдаги ботир бола бошқа болаларга ўхшамайди, яъни янги туғилган Рустамни ўн иккита энага эмизса ҳам тўймайди. Бола “кун сайин эмас, соат сайин” ўсади. Келтирилган мисоллар Хон Кил Дон болалиги баёнига жуда ўхшаш. Қиёсланг:

«길동이 점점 자라 여덟 살이 되니 총명함이 남보다 뛰어나서 하나를 들으면 백을 아니 공이 더욱 사랑하였지만 근본이 천한 몸에서 태어났기 때문에 길동이가 늘 아버지와 형을 부르면 그때마다 꾸짖어 못 부르게 하니 길동이가 열 살이 넘도록 함부로 부형을 부르지 못하고 종들의 업신여김을 뺏속에 새겨 슬퍼하여 마음을 진정하지 못하였다.

추구월 보름을 당하여 밝은 달은 환히 비치고 맑은 바람은 쓸쓸하여 사람의 마음속을 슬프게 하므로 길동이 글방에서 글을 읽다가 갑자기 책상을 밀치고 탄식하기를,

«대장부가 세상에 태어나서 공자와 맹자 같은 어진 분을 본받지 못할 바엔 차라리 병법을 배워 대장인을 허리에 비스듬히 파고 여러 나라를 이리저리 쳐 무찔러 나라에 큰 공을 세우고 이름을 길이 빛냄이 통래한 일인데 ...»

하고 말을 마치며 뜰에 내려 검술을 공부하였다.”

“Кил Дон ўсди ва саккиз ёшида ҳаммадан ақлли бўлиб, бир марта эшитганини дарров эсида сақлаб қоларди. Отаси эса уни кўпроқ яхши кўрарди. Лекин унинг қуйи табақадан келиб чиққанлиги отани ота, акани ака дейишга йўл қўймас эди. У уларни ҳар гал шундай атаганда, уни уришардилар. Ҳатто хизматкорлар ҳам унга паст назар билан қарашарди ва унинг қалби ғам-аламдан тинчлана олмас эди. Бир куни тўққизинчи ой кунида, осмонда ой товланар ва салқин шамол эсарди, бу инсон қалбини ғамга ботирарди. Кил Дон китоб ўқимокда эди ва бирданига уни суриб қўйиб, хўрсиниб деди: “Мен эркак бўлиб туғилсам-да, Конфуций ва Мэн-цзи донишмандлари каби иш тутолмайман. Яхшиси, мен ҳарбий санъатни ўрганаман ва ҳарбий бошлиқ бўламан. Шарқ оёғим остига бош уради ва Ғарб босиб олинади. Мамлакат учун улкан қаҳрамонлик, Кил Донга эса шуҳрат.... Кил Дон уйдан чиқди ва қиличбозлик санъатини ўрганишни бошлаб юборди”.

Кенг тарқалган эпик мотивлардан бири — қаҳрамон “душманлари” (антагонист)нинг мавжудлигидир. Биз таҳлил қилаётган корейс қиссасида бу антагонист бошқа халқларнинг бундай персонажларидан фарқ қилади. Ушбу қиссадаги антагонист қаҳрамон отасининг Чхоран исмли севимли маъшуқасидир. Чхоран фақат қиссанинг дастлабки саҳифаларида эсга олинади. Яъни, одатда, қаҳрамонлик эпосларидаги каби бутун асар давомида таъқиб қилиш мазкур қиссада мавжуд эмас ва шунинг учун ҳам қиссада таъқибдан қочиш ҳам йўқ.

Учинчи бобнинг иккинчи фасли ““Хон Кил Дон ҳақида қисса”да эртак унсурлари” масаласига бағишланган. Ўрта аср корейс қиссачилик насри тадқиқотчилари бир неча бор “қиссани” (яъни узун сосол — *чанпхён сосол*) бошқа жанрга ўтиш “кўприги” сифатида, яъни янги давр романининг дастлабки шакли

³¹ Қаранг: Ўзбек қаҳрамонлик эпоси. —Т., 1999.

сифатида талқин этишган³². Тадқиқотчиларнинг фикрича, уларда энг аввало, қисса марказий персонажининг ўзига хос хусусиятларига асосланган XVII-XVIII аср Корея насри обидаларининг қаҳрамонона эпик уйғунлиги билан яқиндан боғлиқ авантюра романнинг баъзи жанрли белгиларини топиш мумкин.

Бу давр сюжетли насрига мансуб турли-туман жанрларнинг асосий белгилари баёнда биографик маълумотларнинг устуворлиги ва воқеалар ривожига муҳолифатнинг деярли йўқлиги билан характерланадики, бу жанрлар ўзига хос мураккаб жараёнлар таъсирида пировард-натижада катта ҳажмли бадиий асарнинг юзага келишига сабаб бўлган.

Табиийки, “Хон Кил Дон ҳақидаги қисса” типига асарларни том маънода роман сифатида баҳолаб бўлмайди, чунки бундай асарларда на рицарлик (хусусан, кўплаб эртаққа хос унсурларнинг мавжудлиги сабабли) ҳикоялари ва на кўплаб саргузаштларни бошидан ўтказган аслзода воқеаси тасвирланмайди. “Хон Кил Дон ҳақида қисса”нинг бош қаҳрамони билан Европа адабиёти учун характерли бўлган марказий персонаж ўртасида мувофиқлик йўқ. Яъни Европа адабиётидаги каби Хон Кил Донга ҳаёти ва фаолияти давомида доимий йўлдошлик қиладиган “қуролбардори” йўқ. Бадиий асарлар саҳифаларида учрайдиган машҳур жуфт қаҳрамонларнинг ўзларига хос карикатурлари – Гилгамиш ва Энкиду, Тил Уленшпигел ва Ламме Гудзан, Дон Жуан ва Лепорелло ва, ниҳоят, Дон Кихот ва Санчо Панса каби жуфтликлар эпосда ҳам учрайди. Бундай қаҳрамон-карикатура эпик ижодиётнинг янги шохи униб чиққанлигидан далолат беради. Зотан, В.Кожинов бундай персонажнинг айёрона характерини “роман тарихининг дастлабки лозим бўлган хусусияти” деб атайди³³. Тадқиқ этилаётган асарда қароқчилик, йўлтўсарлик учун қўлга тушмаслик ва жазодан қутилиш йўллари осонлик билан топадиган бундай қизиқчи ва ҳазилкаш ролини Кил Доннинг ўзи бажаради.

“Хон Кил Дон ҳақида қисса”ни тадқиқ этар эканмиз, XIX асрда қайта чоп этилган бу асарда ҳам адабий, ҳам фантастик ва эртақ элементлари борлигига эътибор қаратмасдан илож йўқ. Бу, албатта, қиссанинг дастлабки намунаси анча аввал, яъни адабий асар оғзаки анъана даврида, фольклор, хусусан, эртақнинг катта таъсир доирасида юзага келганлигидан далолат беради. “Хон Кил Дон ҳақида қисса”да учровчи сеҳр-жоду, яъни эртаққа хос унсурларнинг бадиий ифодадаги ўрни ва ролини ўрганишда В.Я.Пропп, Л.Горяева, С.Д.Серебряковнинг ишлари муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун В.Я.Проппнинг³⁴ малай халқ ривоятларини таҳлил қилишда тадқиқ этилган эртақона сюжет ва алоҳида бирлик вазифаси тартибидан фойдаланган Л.Горяева³⁵нинг услубияти ҳамда В.Я.Проппнинг ҳинд эртақларига иловалари билан боғлиқ изоҳланган формулаларини тадқиқ қилган С.Д.Серебряковнинг³⁶ ишларидан фойдаланилди.

“Хон Кил Дон ҳақида қисса” сюжети таҳлилида В.Я.Пропп тизимида суянар эканмиз, асардаги муайян ҳолатнинг ечимида алоҳида унсурларнинг ўрни ва ролини аниқлаш, шу орқали ўрта аср корейс адабиётидаги сюжет тараққиётининг специфик мантиқини белгилаш муҳим аҳамият касб этиши диққатни жалб этади. Бу вазиятда ўрганилаётган асарни сеҳрли эртақ билан қиёслаш зарур натижаларни бермаслиги

³² Троцевич А. Предисловие к книге “Средневековые корейские повести”. Пер. Ю.Кроля и Е.Рачкова. –М.: Художественная литература, 1990; Рифтин Б. Вступительная статья в кн. “Корейские легенды и предания”. (пер. с хаммуна). – М.: Художественная литература, 1980.

³³ Қаранг: Кожинов В. Происхождение романа. –М., 1963.

³⁴ Пропп В.Я. Морфология сказки. –М., 1969; Исторические корни волшебной сказки. –Л., 1946.

³⁵ Горяева Л. Опыт применения системы функций В.Я.Проппа для уточнения жанровых характеристик малайских сказаний “утешителей печали” // Литература и время. –М.: Наука, 1973. –С. 3-13.

³⁶ Серебряков С.Д. Интерпретация формулы В.Я.Проппа в связи с ее приложением к индийской сказке // Типологические исследования по фольклору. –М., 1975. –С. 193-300.

кузатилади. Шу билан бирга, “Хон Кил Дон ҳақида қисса” сюжетининг таҳлилида таянч мезон сифатида В.Я.Пропп системасига мурожаат қилинганида, сюжетнинг у ёки бу унсурларининг (масалан, корейс сюжетлари учун қандай типдаги муаммо ёки сабаб характерли эканлиги – одам ўғирлаш, тухмат, келиннинг камчилиги ёки саёҳат қилиш хоҳиши ва ҳ.к.) мазкур сюжет чизиқларида қаҳрамон ва тақдирловчи ўртасидаги муносабат – суҳбат, жанг ва бошқалар аниқ мазмунини белгилаш зарурати туғилади. Бунда Узоқ Шарқ регионида яратилган асарлар назарда тутилади, зотан, мазкур минтақа асарлари бу жиҳатдан тадқиқ этилмаган³⁷.

“Хон Кил Дон ҳақида қисса” кўшимча туркум сюжетларнинг сероблиги, мотивларнинг такрорланиши воситасида бир қанча ўнлаб саҳифаларга чўзилган бўлиб, кўпгина дунё халқларида бу типдаги ҳикоялар кўп учрайди³⁸. Бундай сюжет ўлимдан кейин янги шаклга ўтиш ҳақидаги халқ тушунчасидаги буддизм ғояларини билдириши билан бир ўринда қиссанинг асосий сюжет чизиғига алоқадор эмас. Қиссада шунга эътибор бердикки, ўз моҳиятига кўра, ҳар бир лавҳа бир қанча сюжет чизиғига бўлинган бўлиб, улар баъзида бир-биридан алоҳида катта матн парчалари сифатида берилган. Улар “ёрдамчи эпизодлар” (Б.В.Томашевский атамаси) деб аталиб, “эркин” мотивларга киради ва уларни “воқеаларнинг сабаб-вақт муносабатларини яхлитлигини бузмасдан” қиссадан олиб ташлаш мумкин. Мазкур лавҳаларнинг вазифаси сюжетнинг шартли равишда ажралганлигини юмшатиш учун ҳаракатларни жонлантириш, унинг эркинлиги ва табиийлиги таассуротларини уйғотишдан иборат. Сюжетдан олиб ташлаб бўлмайдиган мотивларни Б.В. Томашевский “алоқадорлик” деб атайди³⁹. Шунинг учун ҳам, олдимизга қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, биз аввалдан мукаммал бўлмаган таҳлилнинг муқаррарлиги билан муроса қилган ҳолда фақат бутун сюжет йўллари аниқлаб берувчи асосий эпик воқеаларни кўриб чиқишни лозим топдик. Шундай қилиб, В.Я.Пропп тизмаси бўйича фаолиятлар комплексини қуйидаги тарзда ифодалаш мумкин:

1. Дастлабки вазият: ...одамларнинг айтишича, қадим-қадим замонда, Сежонг ҳукмронлиги даврида, фамилияси Хон, Мо исмли амалдор яшаган экан... – туғилиши (сан), жория билан эпизод, болалик, ажойиб ақл ва ҳ.к. Кулфат, ёмонлик ва етишмовчилик – қаҳрамонга суиқасд қилиниши... унинг жориядан туғилганлиги учун қайғуришлари... танҳолик, ҳеч ким ҳурмат қилмайди...

2. Уйдан кетиш: отасининг жорияси сабабли.

3. Дайдилик, саргузашт (бу ерда: мутаносибликни қайта тиклаш учун “кураш”), айнан эртакона мотив – маъшуқа топиш – шунчаки эпизод.

4. Етишмовчилик ёки кулфатни бартараф этиш – қаҳрамон отаси ва қирол томонидан тан олинishi – “уйғунлик” тикланди.

Асосий жуфт функциянинг – кулфат, ёмонлик ёки етишмовчилик ва уни бартараф этиш – таҳлили шуни кўрсатдики, бош қаҳрамоннинг саргузаштлари асосий нуқтадан бошланиб, қаҳрамон бурчини бажариш – уйғунликни тиклаши учун саёҳатга жалб этувчи ихтиёрий ролларни ўйнайдиган бир-бирига боғланиб кетган сюжет йўналиши билан авж олади. Бироқ эртақдан фарқли ўлароқ, қисса давомида Кил Доннинг фаолияти фақат уйланиш ёки фольклор мотивлари учун типик бўлган камбағалларни ҳимоя қилиш билан чекланиб қолмайди. Бу ҳаракатлар Хон Кил Дон фаолиятининг асосий йўналишига ҳамоҳанг келади. Яъни бу ерда “Хон Кил Дон ҳақида қисса”, бир томондан,

³⁷ Бунда биз ўрта аср корейс насрини тадқиқ қилиш учун, масалан, новелла ва фольклор, роман ва фольклор ва ҳ.к. ларни таҳлил қилиб, ўрта аср корейс насрини киёсий-тарихий таҳлил қилишнинг алоҳида услубини таклиф қилишга ҳаракат қилганлигимизни назарда тутяпмиз (муаллиф).

³⁸ Қаранг: Жирмунский В.М. Из истории западноевропейских литератур. –Л., 1981; Джалилов Г.А. Узбекский народный сказосный эпос. – Т., 1980.

³⁹ Қаранг: Петрова О.Н. Описание памятников корейской культуры. Вып. –П. –М., 1963.

жанр қонунлари бўйича қурилгани, иккинчи томондан эса, унда фольклор материаллари билан боғлиқлик сақланиб қолганлиги намоён бўлади.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Корейс адабиётшунослигида ҳамда рус корейсшунослигида корейс адабиётини даврлаштиришда асосий мезон сифатида сулолалар тарихи олинади. Бундай даврлаштириш тартиби эса кўп ҳолларда ўзини оқламайди. Бинобарин, корейс адабиёти тарихидаги жанрлар тараққиёти масаласини ҳам бевосита эътиборга олишда даврлаштиришнинг қуйида тавсия этилган босқичлари асослидай кўринади.

2. Ўрта аср корейс адабиёти тараққиётини адабий ғоялар, уларни ифодалаш усулларининг мунтазам равишда мукаммаллашуви, адабиётнинг жанр тузилишида ўзгаришларнинг кузатилиши асосида бир нечта тарихий даврларга бўлиш мумкин.

Биринчи давр – X асрга қадар бўлган давр энг қадимий ёдгорликлар йўқлиги сабабли номаълум.

Иккинчи давр (XI-XIV асрлар) насрнинг новелла пайдо бўлишидан олдинги тараққиёт даври расмий ва норасмий тарихий баёнларнинг фольклор, сюжетли материаллар билан бирга пайдо бўлиши билан тавсифланади.

Учинчи давр (XIV-XVI асрлар) бадий насрнинг пайдо бўлиши ва мустаҳкамланиши, пхэсол тўпламларини жамлаш давридир. Бу даврда фольклор материаллари бадий қайта ишлов объектига айланди, бадий тасвирлашнинг янги услублари татбиқ этилди.

Тўртинчи давр (XIV-XVIII асрлар). Бу даврда жамиятдаги ўзгаришлар таъсири остида адабий жараёнга янги ғоялар кўпроқ таъсир ўтказди, бунинг натижасида ҳақиқатни тасвирлашда янги услуб, янги усуллар излана бошланди. Адабий асарларга тўқима образлар кириб келди, сюжетли наср ривожлана бошланди. Айнан мана шу даврда корейс адабиётида эски жанр услублари (қисқа новелла) кенгайтирилган ва чуқурлаштирилган инсон характери талабларини тўлиқ қониқтира олмаганлиги сабабли янги жанрлар (қисса, роман) юзага келди. Инсонни тасвирлашдаги махсус янги услуб бу давр адабиётининг энг муҳим бадий йўтуғи бўлди.

Бешинчи давр XVIII-XIX асрларнинг иккинчи ярмини қамраб олади. Бу давр “янги давр адабиётига ўтиш даври” деб номланади. Мазкур давр адабиётига маърифатпарварлик ғоялари, тараққиёт ғояси ва корейс халқининг гуллаб-яшнаши, озод шахснинг ҳар томонлама ривожланиши, кўплаб феодал тартибларининг қайта қурилиши маълум даражада таъсир ўтказди. Адабиётда жанрлар тараққиёти жараёнида инсон образи кифасини ўзгартирувчи жамиятда мутлақо аниқ ўринни эгаллаган арбоб, фикр юритувчи қаҳрамон пайдо бўлади.

3. Қадимда корейс адабиёти икки тилда яратилган. Асрлар давомида корейс ва хитойча ёзилган асарлар тенг қийматли ҳисобланган ва уларнинг мукамаллиги ҳамда “улуғворлиги” даражаларга бўлинмаган. Бўлиниш кейинчалик бошланган: корейс тилида ёзилган асарлар “паст”, хитой тилида (ханмунда) ёзилган асарлар эса “юқори” даражали деб қабул қилинган. Турли хил турдаги асарларни ёзишда у ёки бу тилни қўллашнинг афзалликлари мавжуд эди, масалан, маҳаллий маданият билан боғлиқ матнлар корейс тилида, расмий тарихий асарлар эса хитой тилида ёзилган.

4. Ўрта аср корейс адабиёти дунёқараши Узоқ Шарқда мавжуд бўлган ва Кореяга эрамининг биринчи асрларида корейс давлатининг пайдо бўлиши даврида кириб келган учта йирик диний-фалсафий йўналиши – конфуций, даосизм ва буддизмга асосланган эди. Жамоат тараққиётидаги шахсий ва ижтимоий қарашлар ўртасидаги нисбат,

жамоадаги идеаллаштирилган шахс ўрни, шунингдек, жамият курилиши ҳақидаги тасаввурлар бу йўналишлар ўртасидаги муайян фарқларга қарамасдан, корейс жамияти ғоясига, корейс халқининг кундалик ҳаётига, маданияти ва адабиётига катта таъсир ўтказган. Адабий асарлар бу учта таълимотнинг бири асосида яратилган, аммо алоҳида асарларда иккита, баъзан эса учта таълимотнинг синтези кузатилади.

5. Корейс тилида ёзилган “қисса”га киритиладиган “паст” даражали ўрта аср корейс адабиёти унинг кейинги тараққиёти нуқтаи назаридан олиб қаралганда, корейс адабиёти тарихи тараққиётида истиқболи порлоқ йўналишни кўрсатади. Айнан бу давр адабиёт тузилмаси перифериясида мавжуд бўлган асарлар кейинчалик янги даврда унинг марказига жойлаштирилди. Ўрта аср корейс қиссалари асосини ташкил этган сюжет афсоналари янги даврда яратилган турли хил жанрлардаги асарлар асосига киритилди.

6. Ҳозирги замон тушунчасида адабиётнинг жанр тузилмасини ташкил этадиган хронологик корейс қиссалари пайдо бўлиши ва тараққиёти жараёнида халқ эпик қиссалари услублари асосига қурилган, сюжет чизиғи пайдо бўлиши кузатиладиган ўтиш даврини ўз ичига қамраб олувчи узоқ тарихий йўлни босиб ўтди. “Хон Кил Дон ҳақидаги қисса” ўрта аср корейс адабиётининг шундай ажойиб намуналари қаторига киритилган бўлиб, асарда анъанавий мотивлар қайта ишланган, янги талқинда ифодаланган аниқ сюжет қонунлари акс этган. “Хон Кил Дон ҳақида қисса” корейс адабиётидаги тарихий биографик асарлар услуби асосида яратилган, бунда воқеалар дунё эпосида кенг тарқалган эпик мотивлар атрофида гурухлаштирилган. Алоҳида эпизодлар - воқеалар орасидаги ички сабаб-оқибат алоқалари битта асосий қаҳрамон борлиги билан белгиланади, шу билан бирга, ҳар бир эпизодга мустақил ва қиссадаги якунланган бирлик сифатида қаралиши мумкин. Корейс анъанавий адабиётида “Хон Кил Дон ҳақида қисса”нинг мавжудлиги унинг XVI-XVII асрлардаги, яъни баённинг қисқалиги, алоҳида парчалардан иборатлиги билан тавсифланадиган, эпик адабий жанрлар – қисса, романларнинг тараққиёти бошланган новелла жанри пхэсолнинг гуллаб-яшнаган даврига қарашли эканлиги ҳақидаги фикрни тасдиқлайди.

Пхэсолдан фарқли равишда, “Хон Кил Дон ҳақида қисса” шу билан бирга, ижтимоий-тарихий аниқликнинг юқори даражаси, сюжет шакллари унинг махсус типини билан тавсифланадиган бирмунча кейинги типологик, стадиял дунёқарашни ифодалайди, сюжет бир чизикли ривожланса – у фақат арифметик ҳаракат, яъни бир нечта саргузаштларнинг йиғиндиси ҳисобига мураккаблашади. Адабий ижод доирасида қиссанинг ўзига хослиги билан шартланган бу белгиларнинг пайдо бўлиши сезиларли даражада кечиши мумкин эди. Бир томондан, “Хон Кил Дон ҳақида қисса” қисса жанри қонунлари асосида қурилган бўлса, иккинчи томондан, у фольклор материаллари билан алоқани сақлаб қолган. “Хон Кил Дон ҳақида қисса” гарчи унинг манбалари оғзаки ижод унсурларига кирса-да, бу энди фольклор эпоси эмас, анъанавий қўлёзмага сингиши жараёнида у асл, миллий шаклга кирди. “Хон Кил Дон ҳақида қисса” мазмунини жиҳатидан ўзида фольклор, сеҳрли эртақ ва адабиёт элементларини қўшиб қандайдир бир синтез маҳсулунини юзага келтирди.

“Хон Кил Дон ҳақида қисса”ни ўрганиш бошқа адабиётлар, хусусан, араб адабиётида кузатиладиган ҳолат, яъни романнинг бевосита халқ эпик қиссасидан “барпо бўлганлигини” намоён этиш имкониятини беради. Бу, мана шу жараённинг гуллаб-яшнаганлигини тасдиқлайди. Таҳлилга тортилган қисса тугалланаётган оғзаки эпик анъана даври билан янги давр адабиётидаги эпик шакллар орасидаги “халқа” (кўприк) вазифасини бажарганлиги ҳақида гапиришга асос беради.

7. “Хон Кил Дон ҳақида қисса”нинг ўзига хос тузилиши ўша даврдаги корейс халқининг маданий тасаввурлари билан узвий боғлиқ ва шу даврда ижтимоий ҳаёт

доирасини бошқараётган адолатли жамият куриш ҳақидаги конфуцийликнинг одоб-ахлоқ нормалари ҳамда дунёда, дунёвий тузумда, инсонлар жамиятида уйғунлашувнинг маълум бир ютуқлари заруриятига бориб тақалади. Қиссадаги барча ҳаракатларнинг бошланиши ва ривожланиши бу уйғунлашувнинг бузилишидан келиб чиқади. Узоқ Шарқ мамлакатлари маданиятига хос бўлган муносиб тикланиш - мукофот қонунан асар якунида юзага келади.

Асосий қаҳрамонга характернинг мураккаблиги эмас, балки оддийлиги ва яхлитлиги ҳосилдир. Бир сўз билан айтганда, Хон Кил Дон ғайратли ва отасининг олижаноб ўғли, ўз подшоҳининг намунали фуқаросидир. Бу қисса қаҳрамони шахсиятининг яхлитлиги Хон Кил Донни алоҳида шахсият сифатида эмас, балки конфуцийликнинг одоб услубларига мос алоҳида ижтимоий-психологик тип сифатида қарашга имконият беради. Афтидан, ўрта аср корейс шароитида психологияни бундай шаклда очиш орқали бадиий типиклаштиришда бошқа йўл мавжуд эмас эди. Шунга қарамасдан, қиссада санъат ривожланишининг бу босқичи барча имкониятлар даражасида қўлланилган. Қаҳрамоннинг ички дунёси, унинг шахсий кечинмалари китобхонга қаҳрамон ўзининг ижтимоий ҳақ-ҳуқуқларига баҳо берадиган монологлар орқали етказилади.

Шу билан бирга, ўрта аср корейс адабиётининг бошқа асарлари, жумладан, дурдона асар – “Садоқатли Чхунхян ҳақида қисса” билан танишиш индивидуаллиштиришга бўлган ҳаракат ва бошқа қиссаларда характерлар ривожланишига туртки бўлганлигини кўрсатади. Бу маълум бир даражада ўрта аср корейс қиссасини Ўрта Осиё дostonларига яқинлаштиради. Шунга ўхшаш параллелларни ўтказиш жаҳон адабиёти тараққиётининг умумий объектив қонуниятларини очиб бериш учун зарурдир. Мос келувчи объектларни танлаш, қиёслашда баҳолаш характерини инкор этиш ва тарихий ҳамда маданий шароитларнинг ўзига ҳослиги қийинчилик туғдиради. Назаримизда, бу услуб адабиётшунослигимизнинг ютуқларидан бири ҳисобланади.

8. “Хон Кил Дон ҳақида қисса” сюжетининг таҳлили асарнинг ҳар хил элементлар мослиги маълум бир қоришиқ жанри ҳақида қуйидаги хулосаларни келтириб чиқаради: а) асар эртак сюжетли морфологик типда ёзилган; б) қаҳрамонлик эпосига хос бўлган эпизодлар мавжуд; в) қаҳрамонлик эпосидаги марказий фигурага яқинлаштирувчи, оддий инсонлардан юқори қўядиган ҳамда унинг қаҳрамонликлари билан шартланган маълум бир одоб ва жисмоний фазилатларга эга асосий қаҳрамоннинг умумэпик тип. Аммо қиссада бирмунча муболаға мавжуд: Хон Кил Дон қаҳрамонлик ҳатти-ҳаракатларини бажарса-да, у инсон имкониятлари чегарасидан кам чиқади.

Бошқа эпик асарлардан фарқли равишда “Хон Кил Дон ҳақида қисса” ортиқча гўзаллик ва дабдабасиз, оддий, лўнда, кундалик тилда ёзилган бўлиб, қисса билан танишиш жараёнида ҳар икки дунё – Кил Дон дунёси ва тингловчи, китобхон дунёси ўртасида яқинлик ва келишувчанлик сезилади.

Бир вақтнинг ўзида ҳикоя сюжетини анъанавий эртакка тенглаштириш мумкин, сеҳрли эртак нафақат ўз тузилиши жиҳатидан, балки морфологик тип жиҳатидан ҳам камбағаллик (етишмовчилик) функцияси ва оралиқ функциялар орқали охириги функциянинг тугашидан иборат сюжет ривожланиши билан аниқланади. Аммо қисса сюжетининг ривожланиши сеҳрли эртак сюжети ривожланишидан бирмунча мураккаб. Етишмовчилик (камбағаллик) функцияси ва унинг тугатилиши тўлиқ ифодаланган бўлиб, сюжетнинг асосий ривожланиш йўли унга бўйсунди. Аммо қиссада “эркин” мотивлар деб аталадиган, бўйсунувчи характерга эга бўлган, асарга ифодавийлик, бадиийлик берувчи, ўрнатилган тартибларни тан оладиган маълум социумнинг вакили, шу билан бирга, содда бўлмаган ишларни амалга оширишга қодир асосий қаҳрамонни

психологик мураккаб шахсият сифатида тасаввур ҳосил қилишга имкон берувчи иккинчи даражали эпизодлар сони етарли даражада. Бу эпизодларнинг функцияси ҳаракатни жонлантириш, унинг эркинлиги ва табиийлигини кўрсатишдан иборат.

Шубҳасиз, қиссадаги бутун бошли мотивлар эртакона босқичлардан иборат, агарда эртақдаги ҳақиқий воқеалар ҳеч қачон ҳикоя тарзида қабул қилинмаган бўлса, қиссадаги воқеалар ҳақиқатга даъвогарлик қилади; эртақда ҳаракат шартли вақтда ва шартли ерда (“қайсидир подшоликларда») содир бўлади, қиссада эса бўлиб ўтаётган воқеаларнинг хронологик тартиби ва географик жойлашуви аниқ..

Сеҳрли эртақ ва қиссадаги асосий сюжет схемалари бир хил. Аммо эртақ учун у ўзининг композицион муҳимлигини сақлаб қолса, қиссада у анъаналарга амал қилади. Эртақдаги асосий қахрамондан фарқли ўлароқ Хон Кил Дон ички психологик зиддиятлардан холи бўлмаган, ўсаётган шахс. Бундан ташқари у аниқ муҳит вакили ва маълум ижтимоий детерминистик ахлоқий қадриятлар соҳибидир.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Сайдазимова У. Жанры средневековой корейской прозы //Содействие развитию корееведения в СНГ: проблемы и решения: Материалы Международной научной конференции. - Т., 2006.- С. 216-223.

2. Сайдазимова У. Эпические мотивы в средневековой корейской повести «Достойный Хон Гиль Дон» // The Interaction Between Korean and Central Asian Cultures: Материалы Международной научной конференции. -Алматы, 2006.- С. 115-117.

3. Сайдазимова У. Реалистические тенденции в средневековой корейской литературе // История корейского языка и литературы в Узбекистане: Материалы Республиканской научной конференции. - Т., 2006.-С. 28-30.

4. Сайдазимова У. Ўрта асрлардаги корейс наср жанри (Пхэсол мисолида) // Академик Убайдулла Каримов номидаги Ёш шарқшунослар илмий конференцияси материаллари тўплами.- Т., 2006.- Б. 80-84.

5. Сайдазимова У. Вопросы изучения средневековой корейской литературы // 70th Anniversary of Settlement of Koreans in Central Asia and 70 Years of Korean Studies in Central Asia: Материалы Международной научной конференции. – Т., 2007.- С. 238-241.

6. Saydazimova U. Periodical and Genre Structure of Korean prose in the Middle Ages //Journal of Korean Studies Volume 9.- Korea., 2007.- С. 27-34.

7. Сайдазимова У. Герой и ситуации в средневековой корейской повести «Повесть о Хон Гиль Доне» // Маяк Востока. – Т., 2010. - С. 34-37.

8. Сайдазимова У. Ўрта аср корейс адабиётини даврлаштириш масалалари // Шарқ мамлакатларида адабий жараёнлар: жанр ва поэтика масалалари (илмий тўплам).-Т., 2010.- Б. 37-42.

9. Сайдазимова У. “Хон Кил Дон ҳақида қисса”нинг типологик таҳлили // Шарқшунослик. – Тошкент, 2010. – №1. - Б. 54-61.

**Сайдазимова Умида Тўрахановнанинг филология фанлари номзоди илмий
даражасини олиш учун 10.01.06 - Осиё ва Африка халқлари адабиёти
мутахассислиги бўйича “Хон Кил Дон ҳақида қисса” –
ўрта аср корейс насрининг намунаси (типология, жанр хусусиятлари ва эпик
мотивлар масаласи) мавзuidaги диссертациясига
РЕЗЮМЕ**

Таянч сўзлар: ўрта аср корейс насри, корейс қиссалари, “Хон Кил Дон ҳақида қисса”, образ, сюжет, мотив, композиция, пхесол, эпос, эртак, даврлаштириш тамойиллари.

Тадқиқот объекти: ўрта аср корейс адабиётининг умумий типологик хусусиятларини тўла акс эттирувчи “сосол” (소설) қисса жанри ташкил қилади.

Ишнинг мақсади: ўрта асрлар корейс насри спецификаси ва унинг жанрлари тараққиёти масалаларини тадқиқ этиш, “Хон Кил Дон ҳақида қисса” асари мисолида ўрганилаётган давр корейс насрига хос асосий мотивлар, ғоявий-эстетик қарашлар ва айрим бадиий хусусиятларни таҳлил этишдан иборат.

Тадқиқот методлари: тарихий-қиёсий ва қиёсий-типологик методлар.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Диссертацияда ўрта аср корейс насри намунаси ҳисобланган сосол (소설) туркумига кирувчи қисса жанрининг тадрижий ривожланиши илк бор тадқиқ этилди. Корейс насрида қисса жанрининг ўрта асрлардаги асосий хусусиятлари кўрсатиб берилди. “Хон Кил Дон ҳақида қисса” (홍길동전) асари мисолида ўрта аср корейс қиссаларининг сюжет чизиғи ва композицион тузилиши ўрганилди. Корейс адабиётининг тараққиёт босқичларини, тарихий даврлаштиришнинг янги тамойиллари бўйича тавсиялар берилди. “Хон Кил Дон ҳақида қисса” (홍길동전) асари мисолида ўрта аср корейс қиссасининг пайдо бўлишида фольклор ва эпик мотивларнинг ўрни очиб берилди.

Амалий аҳамияти: тадқиқот натижалари Филология ва тилларни ўқитиш (корейс тили ва адабиёти) таълим йўналиши ва Адабиётшунослик (корейс адабиёти) таълим мутахассислиги бўйича таҳсил олувчи талабаларга “Асосий ўрганилаётган тил (Корея) адабиёти”, “Мутахассисликнинг назарий масалалари” фанларини ўқитишда қўшимча манба вазифасини ўтайди. Тадқиқот материаллари, шунингдек, корейс адабиёти масалалари бўйича тадқиқот олиб бораётган изланувчилар ва магистрантлар учун йўналиш бериши мумкин. Диссертация Шарқ мамлакатлари адабиёти академик тарихини, хусусан, корейс адабиёти тарихи бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда қўлланилиши мумкин. Иш материаллари ва хулосалари корейс адабиёти тарихи ҳамда ўрта аср Шарқ адабиёти бўйича махсус курслар ўқишда ўқув материали сифатида фойдалидир.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот натижалари диссертантнинг “Корейс адабиёти тарихи”, “Ўрта аср корейс насри” каби фанларни ўқитиш жараёнида синовдан ўтган.

Мазкур илмий тадқиқот иши бўйича корейсшунослик масалаларига бағишланган республика ва халқаро илмий анжуманларида (Тошкент, Олма ота) маърузалар қилинган.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: адабиётшунослик, Осиё ва Африка мамлакатлари адабиёти, корейс адабиётшунослиги.

РЕЗЮМЕ

диссертации Сайдазимовой Умиды Турахановны
на тему: «Повесть О Хон Гил Доне» образец корейской средневековой повести
(особенности жанров, типология и эпические мотивы) на соискание ученой
степени кандидата филологических наук по специальности: 10.01.06 –
Литература народов Азии и Африки

Ключевые слова: корейская проза средних веков, корейские повести, «Повесть о Хон Гиль Доне», образ, сюжет, мотив, композиция, пхесол, эпос, сказка, проблемы периодизации.

Объект исследования: жанр повести «сосоль» (소설) отражающий общие типологические особенности корейской средневековой прозы.

Цель работы: исследовать специфику и вопросы развития жанров корейской прозы средних веков, проанализировать на примере произведения «Повесть о Хон Гиль Доне» основные мотивы, идейно-эстетические позиции и некоторые художественные особенности, свойственные корейской повести изучаемого периода.

Методы исследования: историко-сопоставительный и сопоставительно-типологический методы.

Полученные результаты и их новизна. В диссертации впервые исследован жанр повести, входящий в группу «сосоль» (소설) и считающийся образцом корейской средневековой прозы. В работе представлены основные особенности характерные для жанра повести, на примере повести «Повесть о Хон Гил Доне» изучена сюжетная линия и композиционная структура средневековой корейской повести. Даны рекомендации этапам развития корейской литературы, тенденциям исторической периодизации. На примере повести «Повесть о Хон Гиль Доне» выявлены фольклорные и эпические мотивы, имеющие место средневековой корейской повести.

Практическая значимость: результаты исследования могут быть использованы в качестве дополнительного источника при обучении студентов по направлению образования «Филология и обучение языкам (корейский язык и литература)» и специальностям магистратуры «Литературоведение» (корейская литература) «Литература основного изучаемого языка» (Корея), «Теоретические вопросы исследования». Материалы диссертации могут дать новые направления для исследования соискателей и магистрантов, занимающихся вопросами корейской литературы. Диссертацию можно применять при создании учебников и пособий. Материалы и выводы по работе будут полезны в качестве учебного материала при преподавании спецкурсов по истории корейской литературы и литературе Востока средних веков.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты исследования апробированы автором в процессе чтения лекций по курсам «История корейской литературы» и «Корейская проза средних веков».

По вышеупомянутой теме были сделаны доклады на республиканских и международных (Ташкент, Алматы) научных конференциях, посвященных вопросам корееведения.

Область применения: литературоведение, корейское литературоведение, литература стран Азии и Африки.

RESUME

On the dissertation “A story (fable) about Khon Kil Don” as a pattern of the Korean prose of the middle ages (typology, genre peculiarities and the matters of the epic motifs) 10.01.06 - on the specialty of the Asian, and African Peoples’ Literature by Saidazimova Umida Turakhanovna for a degree of Candidate of Philology sciences

Key words: Korean prose of the Middle ages, Korean Fables, a fable about Khon Kil Don, a character, a plot, a motif, a composition, on epos, a fairy tale, the principles of periodicity.

The objective of the research is the genre “sosol” which represents the full typologic characteristics of the Korean Literature of the Middle Ages in the example of a Fable about Khon Kil Don

The aim of the work is to investigate the specific characters of the Korean prose of the Middle Ages and development matters of its genre, to analyze the main motifs, ideal-aesthetic views and some artistic peculiarities of the Korean prose in that period of time.

The methods of investigation: historical – comparative and comparative – typological

The obtained results and their newness: The evolutionary development of the genre included into the series of “sosol” as an example of the Korean prose of the Middle Ages has been investigated for the first time in the dissertation. The main characteristics of the fable genre in the Korean prose of the Middle Ages have been showed in it. The plot line and composing structure of the Korean fables of the Middle Ages in the example of a fable about Khon Kil Don have been investigated in this work. The recommendations were given on the new directions of the development stages and historical periodic of the Korean Literature. The importance of the folklore and epic motifs with the appearance of the Korean fables of the Middle Ages was displayed as an example of “A story (fable) about Khon Kil Don”.

Practical importance: The result of the investigation will be helpful as an extra source in teaching the subjects such as “The Literature of the Major” (Korean), “Theoretical Matters of the Specialty” for the students who learn Philology and Foreign Languages (the Korean languages and Literature) and “Study of Literature” (Korean literature). It also can help to identify the direction for the scientific researchers and the students in the magistrates who investigate the Korean literature matters. The dissertation can be used in writing text- books and manuals on the academic history of Oriental Literature, i.e. History of Korean Literature. The materials and conclusions of the work is useful in teaching special courses on the history of the Korean Literature and Oriental Literature of the Middle Ages.

The level of introduction and economic benefits: The results of the investigation have been proved in the process of teaching “History of Korean Literature”, “Korean prose of the Middle Ages” by the candidate for a degree. A number of talks were given on this scientific research in the republican and international conferences (Tashkent, Almata) dedicated to the study of the Korean Language Matters.

The field of usage: Literature study, Literature of Asian and African countries, study of Korean Literature.